

Toshkent shahar M.Ulug'bek ko'chasi 1- uy

Тошкент шаҳар М.Улугбек кўчаси 1-уй

ИНН- 204414623 x/p 20 208 000 704 245 224 001 ДАВРБАНК ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ МФО- 01046 ТЕЛ. 604-07-61

№ 24

«27» апрель 2018 йил

**«SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 01 январдан 2017 йилнинг 31 декабрга қадар булган давридаги молиявий -хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига қура ижобий АУДИТОР ХУЛОСА СИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йилнинг 31 июль "858"-ракам билан қайта руйхатдан утган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини утказиш ҳуқуқини берувчи 2010 йил 12 ноябрдаги 00519-сонли лицензияга эга булган МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкилоти «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамияти билан 2018 йил 09 апрелда тузилган 24/А-сонли шартномага асосан жамиятнинг 2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабрга қадар булган давридаги молиявий фаолияти 2018 йил 09 апрелдан 27 апрелгача булган давр мобайнида утказилди.

Аудитор Н.Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати 12.10.2013 йил № 05152) томонидан «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботдан иборат 2017 йил учун тузилган молиявий ҳисоботининг ишончилиги ихтиёрий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги молиявий қонунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йуналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг қонунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий ҳисобот буйича билдирган ҳулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳаракатдаги 70-сонли миллий стандартга мувофиқ утказилди. Ушбу стандартлар бизга миқоз қорхона аҳборотларининг фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда моддий аҳамиятга эга булган ҳатоликлар йуклиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва бошқа молиявий аҳборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи қонунчиликка мос қелишлигини баҳолашни талаб қилади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида қуриб чиқилган молиявий ҳисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний аҳборот беради ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос қелади.

МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик  
ташкilotи директори:

Аудитор:

Ф.Султонова

Н.Курбонова

